


НАРХЛАР

2017 йилнинг 9 ойлигида товар ва хизматлар нархлари даражаси ўртача 7,8%га ўсган. Бунда ўтган йилнинг йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат товарлари нархларининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу тариқа, яққол инфляциян жараёнлар озиқ-овқат товарлари нархлари динамикасида ўзини намоён қилди, бунда ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 фоизни, 2017 йилнинг январь-сентябрда 7,6 фоизни ташкил этди. Хизматларга тарифлар 2017 йилнинг сентябрь ойида 2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан 7,0 фоизга, ўртача ойлик ўсиш суръати эса 0,8 фоизга қимматлашди.

Истеъмол нархлари индекси
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)



**Январь-сентябрь ҳолатига саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси**

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси даражаси ўртача 18,9%га ўсган. Ўтган йилнинг йилнинг мос даврида нархларнинг ўсиши 10,6%ни ташкил қилган эди. Январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг нархларида ўзгаришлар куйдагича бўлди:

(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)



2017 йилнинг 9 ойлигида 2016 йилнинг мос даврига нисбатан нархларнинг бирмунча тез ўсиши тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти товарлари нархларининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, йил бошидан нархлар 13,6 фоизга ошган. Нархларнинг бирмунча кескин кўтарилиши 2017 йилнинг июнь ойи ҳолатига тўғри келади (10,3 фоизга), бунда, Молия Вазирлигининг реестрига асосан хом нефт ва табиий газ ва конденсат нархлари ўзгариши сабаб бўлди.

2017 йилнинг январь-сентябрида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тарифлари 5,8 фоизга ошди (ўртача ойлик ўсиш 0,6 фоиз). Асосий ўзгаришлар иссиқлик энергияси 13,4 ҳамда электрэнергиясига тарифларнинг 6,9 фоизга шунингдек, газ ва ерости газ инфратузилмаси 7,5 фоизга ва газсимон ёқилғи қувурлар орқали етказиб бериш хизматлари 4,5 фоизга камайди.

Ишлаб чиқариш саноати нархлари 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида ўртача ўсиш 2,1 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг мос даврида эса 1,2 фоиз).

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 2017 йил 9 ойи давомида ўсиш 1,0 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь–сентябрь ойларида 0,3 фоиз).

**Январь–сентябрь ҳолатига саноат маҳсулотлари
ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси**
(ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда)

	2016 й.	2017 й.
Саноат фаолияти	110,6	118,9
Тоғ–қон саноати ва очиқ қонларни ишлаш	103,3	113,6
Хом нефть ва табиий газ қазиб олиш	106,2	116,6
Металл рудаларини қазиб олиш	96,4	101,0
Ишлаб чиқариш саноати	111,8	121,1
Озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,4	102,0
Ичимликлар ишлаб чиқариш	123,4	112,3
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,3	122,9
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,3	107,8
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,5	113,9
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	136,5	111,4
Металлургия саноати	117,5	178,2
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	116,8	104,5
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	121,5	125,7
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	103,5	165,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	109,1	105,8
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	102,6	109,1